



## АРАБ ТИЛИДА АНИҚЛАШТИРУВЧИ ЧЕКЛОВ ВА УНИНГ СИНТАКТИК ҲАМДА СЕМАНТИК ТАҲЛИЛИ

**Jumanyazov Mansur**  
*Sharqshunoslik Universiteti*

**Аннотация:** Ушбу моқолада араб тилида аниқлаштирувчи чеклов ва унинг синтактик ва семантик хусусиятлари ҳақида араб тили грамматик олимларининг илмий қарашлари йоритилган бўлиб ва унинг аҳамияти ҳақида сўз йуригилади.

**Калит сўзлар:** Тамйиз; чеклов; аниқлаштирувчи; Изофа; исми тафзил.

Маълумки, араб тилда гапнинг “иккинчи даражали бўлаклари”, деган тушунча йўқ. Гапнинг иккинчи даражали бўлаклари жумладаги “қўшилмалар” ҳисобланиб, улар гапни фақат кенгайтиришга хизмат қилади. Ўзбек тилида иккинчи даражали бўлаklar “гап бўлаклари” мавзусида ўрганилса, араб тилида турли грамматик мавзулар ичида ёритилган. Масалан, аниқловчи, “сўз бирикмаси синтаксиси” мавзусида “ал-мураккабат-мураккаб бирикмалар” номи билан аталувчи бўлимнинг ичида ўрганилса, тўлдирувчи ва ҳол араб грамматикасига оид асл манбаларда “ал-мансубат, яъни тушум келишигида турувчи исмлар” мавзусида ёритилади<sup>14</sup>. Бундан кўриниб турибдики, араб тилида тўлдирувчи ва ҳол келишиклар мавзусида баён қилинаёпти. Шунингдек, бу тилда аниқловчи, тўлдирувчи ва ҳолдан ташқари яна баъзи иккинчи даражали бўлаklar, яъни қўшилмалар борки, улар бошқа тилларда учрамайди. Ана шундай бўлаklarдан бири, бу биз қуйида илмий тадқиқ қиладиган “тамйиз-чеклов” дир.

Гап бўлаklarидан бўлган тамйизараб тилигагина хос бўлиб, бошқа тилларда учрамайди. Ўзбек тилидаги баъзи манбаларда бу термин “чеклов” баъзиларида эса “чеклаш” деб берилди.

Чеклаш бу араб тилидаги кесимнинг характерини изоҳлашда аниқлик киритиш ёки аниқ (конкрет)лаштириш нияти билан қўлланилади. Чеклаш вазифасини от бажаради. У кесимдан сўнг қўйилади. Чеклаш вазифасини бажараётган сўз гапда ноаниқ ҳолатда, тушум келишигида бўлади. Масалан:


Йигитча ақли билан ажралиб турарди – *إمتاز الشاب عقلا*

Мисолдан ҳам кўриниб турибдики, чеклаш вазифасини бажараётган от, кесим мазмунига аниқлик киритган.<sup>15</sup>

Ўзбек арабшунослари Н. Иброҳимов ва М. Юсуповларнинг “Араб тили грамматикаси” номли дарсликларидан бу мавзу чеклов, деб номланиб, у шундай баён қилинади: Чеклов бўлиб келган сўз одатда гапнинг эгаси ва кесимидан

<sup>14</sup>Қосимова С. Ҳамидуддин Даририйнинг “Муқаддима” асари: матн ва тадқиқ. –Т.: ТошДШИ, 2014. –Б. 112.

<sup>15</sup>ТалабовЭ. Араб тили. –Т.: Ўзбекистон, 1993. –Б. 233.





кейин ёки гапнинг сўнгида ноаниқ ҳолатда насб ҳолатида келади. Бунда гапнинг кесими от кесим ёки феъл кесим бўлиб келиши мумкин. Чеклов гапнинг эга, кесими билан жинсда ва сонда мослашмайди. Масалан:

Маҳмуд гўзал юзlidir – محمود حسن وجهًا

(сўзма-сўз: Маҳмуд юзи жиҳатдан яхшидир).

محمود حسن خلقًا - Маҳмуд яхши хулқlidir.

(сўзма-сўз: Маҳмуд хулқ жиҳатдан яхшидир).

Энди араб наҳвчилари бу категорияга қандай таъриф беришганини билиш мақсадида асл араб манбаларига мурожаат қилсак.

“Ал-унмузаж фи н-наҳв” асарида чеклаш (чеклов) мавзуси шундай баён қилинган: “Чеклаш-бутун бир гапдаги мавҳумликни йўқотади (яъни, гапнинг маъносини конкретлаштириш, чеклаш учун хизмат қилади) ва тушум келишигида бўлади.<sup>16</sup>”

Чеклов қуйидаги маъноларда ишлатилади:

1. Чеклов гапдаги мавҳумликни йўқотади<sup>17</sup>, яъни гапнинг кесими ишора қилган иш-ҳаракатни қайси жиҳат ё нимга нисбат эканлигини аниқлаштиради. Масалан: Идиш сувга тўлди – امتلاً الإنعاء ماءً (сўзма-сўз: Идиш тўла бўлди сув билан). Бу феълий гап бўлиб, унда “тўлди” феъл-кесим, чеклов сўзи ёрдамида идишни “сувга” (бошқа нарса билан эмас) тўлганига аниқлик киритаяпти.

Чеклов гапнинг кесими қиёсий ёки ортторма даражадаги сифатдан иборат бўлганида ҳам ишлатилади<sup>18</sup>. Масалан:

У мендан ёшроқ – هو أصغر منى سنًا

(сўзма-сўз: У мендан ёш жиҳатдан кичикроқдир).

У мендан пастроқ – قامة هو أصغر منى

(сўзма-сўз: У мендан бўйи жиҳатдан кичикроқдир).

Қуйидаги мисолга ҳам эътибор берайлик.

صدر الخرفى قرارًا بذلك باعتبار أن د. النون هو أكبر النواب الموجودين فى البلاد سنًا و لم يخرجوا فى اجارة.

“Ал-Хурофий доктор Ан-Нуунни мавжуд ўринбосарлар ичида ёши жиҳатидан энг каттаси эканлигини ҳамда ҳечам таътилга чиқмаганини эътиборга олган ҳолда бу қарорни чиқарди”.<sup>19</sup>

2. Ўлчанаётган нарсани нима эканлигини кўрсатишда ҳам ҳажм ва миқёс ўлчовларидан кейин чеклов ишлатилади. Араб тилшунослари тамйиз-чекловнинг ушбу маънода ишлатилишига қуйидагича изоҳ берадилар.

يضاح – اسماء الكيل و الوزن و العدد و المساحة و نحوها كلها الفاظ مبهمه لانك اذا قلت: اشتريت فنتارًا وسكت لا يفهم السامع عين المراد من القنطار بحيث لا يعلم هل اشتريت قنطارًا سكرًا او صابونًا او غير ذلك. فاذا قلت اشتريت قنطارًا سكرًا فلفظ سكرًا يسمى تمييزًا.

“Изоҳ: ўлчов, килограмм, оғирлик, сон, масофа кабиларнинг барчаси ноаниқ сўзлардир. Агар сен бир қантор сотиб олдим, десанг эшитувчи сени нимадан,

<sup>16</sup> Носирова М. Ўрта аср араб нахвидан намуналар. –Т.: ТошДШИ, 2004. –Б.27.

<sup>17</sup> Талабов Э. Араб тили. –Т.: Ўзбекистон, 1993. –Б. 233.

<sup>18</sup> Ўша асар. –Б. 233.

<sup>19</sup> الوطن، سبتمبر، 2002.





яъни шакарданми, совунданми нимадан бир қинтор олганингни тушунмайди. Агар сен *إشتریت قنطارًا سكرًا* – шакардан бир қантор сотиб олдим, десанг *سكرًا* - шакар сўзи тамйиз бўлиб насб ҳолатида келади”<sup>20</sup>.

3. 11-99 гача бўлган саноқ сонларидан кейинги саналмишни ифодалашда ҳам чекловдан фойдаланилади ва бу борада рус арабшуноси Б.М. Гранде шундай маълумотларни беради: “чеклов 11 дан 99 гача бўлган сонлардан кейин келаётган саналмиш сўзни ифодалашда ҳам ишлатилади масалан: *احد عشر رجلاً ، ثلاثون ناقاً* - 11 та киши, 30 та туя”<sup>21</sup>.

4. “Кам - *كم*” сўроқ олмошидан кейин ҳам чеклов ишлатилади, яъни ундан кейин исм бирликда тушум келишигида туради. Агар гапда саналмишнинг сон-саноғи ноаниқ бўлса ва у сўроқ гап бўлса *كم* олмоши бирликда тушум келишигида ноаниқ ҳолатда туради<sup>22</sup>. Масалан: сенда нечта китоб бор? – *كم كتابا عندك*

كم طالبا فى القسم العربى -? - Араб бўлимида нечта толиб бор?

Шунингдек “кам” сўроқ олмоши предлог билан ҳам келади. Бу борада арабшунос олим Э.Талабов шундай маълумотларни келтириб ўтади: “Ушбу сўроқ сўз кўмакчи билан келса, от муносабат билдирувчи ҳар икки келишикнинг исталган бирида қўйилиши мумкин<sup>23</sup>”. Унда предлог билан келган олмошдан кейин чеклов қаратқич келишигида ёки тушум келишигида ишлатилади. Масалан: Бу костюм неча динор (туради) ?- *بكم دينار هذه البدلة او بكم دينار هذه البدلة* ?

Юқорида келтириб ўтилган маълумотлардан кўриниб турибдики “чеклов” араб тилига хос бўлган грамматик категория бўлиб, у гапнинг кесимини аниқлаштириш учун, оғирлик, ҳажм, масофани ифодаловчи ўлчов бирликларидан ҳамда сондан кейин ишлатилар экан. Чеклов бўлиб келган сўз одатда гапнинг эгаси ва кесимидан кейин ёки гапнинг сўнгида ноаниқ ҳолатда насб ҳолатида келади. Чеклов гапнинг эга, кесими билан жинсда ва сонда мослашмайди.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Иброҳимов Н., Юсупов М. Араб тили грамматикаси. –Наманган: Ибрат, 2009.
2. Талабов Э. Араб тили. –Т.: Ўзбекистон, 1992.
3. Қосимова С.С. Ҳамидуддин Даририйнинг “Муқаддима” асари: матн ва тадқиқ. –Т.: ТошДШИ, 2014.
4. Гранде Б.М. Курс арабской грамматики в сравнительно-историческом освещении. –М.: “Восточная литература” РАН, 1998.
5. Ҳифни Носиф. Ад-дурусин-наҳвийа. –Искандария: Дарул-ақида, 2007.

<sup>20</sup> *حفنى ناصف، محمد دياب، مصطفى طوم، محمد صالح. الدروس النحوية. دار العقيدة. مصر، الإسكندرية-2007. الصفحة 446*

<sup>21</sup> Гранде Б.М. Курс арабской грамматики в сравнительно-историческом освещении. –М.: “Восточная литература” РАН, 1998. –С. 341.

<sup>22</sup> Қосимова С. Ҳамидуддин Даририйнинг “Муқаддима” асари: матн ва тадқиқ. –Т.: ТошДШИ, 2014. –Б. 115.

<sup>23</sup> Талабов Э. Араб тили. –Т.: Ўзбекистон, 1993.–Б. 154.

